

Tadqiqot.uz

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 ОКТЫАВР
№33

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 33-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
3-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
33-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-3**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
33-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-3**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 33-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 19 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛANIШЛАР

1. Каримов Баҳром Джалолович ЧИРОҚЧИ БЕКЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ТАСНИФИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТисодий ХАЁТИ	7
2. Муминов Орифхўжа Одилович ГАТ ДАСТУРЛАРИНИНИ ҚУЛАЙЛИГИ ВА АРХЕОЛОГИЯ ОЛАМИГА КИРИБ КЕЛИШИ	10
3. Муродалиев Раҳмонали Ҳайдарали ўғли КАТАКОМБА ҶАБРЛАРИНИНГ ЎРТА ОСИЁДА ТАРҚАЛИШИГА ДОИР	12
4. Пардаев Муҳриддин Ҳусниддинович СЎҲ ҲАВЗАСИННИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ.....	15



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

ЧИРОҚЧИ БЕКЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ТАСНИФИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ.

Каримов Баҳром Джалолович,

Қарши давлат университети

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

Телефон +99891 456 21 51

bahrom.karimov.1983@bk.ru

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро амирлигининг муҳим сиёсий–ижтимоий ва савдо алоқаларида стратегик аҳамиятга эга бўлган Чироқчи сўзнинг этимологияси, бекликнинг шаҳар тузилиши, савдо йўллари, сиёсий воқеалардаги иштироки, ахолисининг жойлашуви, машғулотлари каби масалалар тарихий манбалар ҳамда сайёҳларнинг асарлари орқали ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Кишмиштепа, “Китаб-ал-ансоб”, Хушминчкат, Чироқчи қалъаси, Чироқчитепа, Жом, “Рус Ўрта Осиёси”, “каттагина шаҳарлар”, Южин Шуйлир, Қоратикан.

Қашқадарё воҳасининг энг йирик аҳоли маскани бўлган Чироқчи асосан текисликчўл ва дашт ерлардан иборат. У шимолдан Самарқанд вилояти, шимоли шарқдан Китоб тумани, шарқдан Шахрисабз, Яккабоғ туманлари, жануб ва жануби-шарқдан Қамаши туманлари билан чегарарадош. Чироқчи туманининг ғарбий ва жануби-ғарбий қисмлари Косон ҳамда Қарши туманлари билан сарҳадланган. Чироқчининг шимол ва шимоли-шарқ қисмида Зарабшон тоғ тизмаси мавжуд. Худди шу ерда Зарабшон тоғидан оқиб келувчи сув шоҳобчаларидан фавқулодда тез ва тўлиб оқиб ўтувчи Қалқама дарёлар тизими жойлашган.

Туманинг тарихига назар ташласак, унда бир қанча бир-бирига яқин фикрларни учратиш мумкин. П. Равшанов “Чироқчи” сўзининг келиб чиқиши ҳақида қизиқ маълумотни келтиради. Айтишларича, Темурнинг онаси Бухорога кетаётганида, уни тўлғоқ тутади. Кечкурун бўлганлиги сабабли улар хотиржам бир ер излашади. Узоқдан чироқ кўришади. Бориша, бир чайла, ичида эса бир момо ўтирибди. Шу кеча, ўша чайлада, Темур дунёга келади. Тахмин қилганингиздек, бу ерда кейин “Чироқчи” номидаги қишлоқ пайдо бўлади. Бошқа бир тарихий маълумотда эса Чироқчи этимологияси “чироқ алангасига қараб яъни, чироқчи-фол очувчи” маъносини билдириши, балки, биронта чироқчи яшаган бўлса, ўшанинг номи қишлоқ номига ўтиб кетган бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек “Чироқчи” этимологияси тўғрисида В.Крестовский ҳам ўз фикрини билдириб ўтган. Унинг фикрича, шаҳарнинг номи сополдан чироқ ясовчи хунарманд ва бутун чироқчиларнинг пири, авлиё Чироқчи ота номига қўйилган. Аммо, тарихда бундай инсон ўтганлиги ҳақида бошқа бирон бир маълумот қолмаган. Чироқчи ота қабрининг қаердалиги ҳам номаълум. Тилшунос Т. Нафасов эса қадимги туркий уруғ-қабила номидан Чироқчи номи яралган деб қарап илмий жиҳатдан асосли, хусусан, йирик дарёлар бўйидаги қишлоқлар, шаҳарлар халқнинг азалий ўтроқлашиши, турғун ҳаётга кўчиши зарурати билан яратилади. Чироқчи номи ҳам шундай эҳтиёж намунасиdir, деб фикр билдиради. Бизнинг фикримизча, бу халқ орасидаги афсонадан бошқа нарса бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам бу сўзнинг этимологияси ҳали кўп изланиш ва меҳнатни талаб қилади.

Ҳозирги Чироқчи шаҳри атрофида, “Мехнаткаш” МФЙ худудида Кишмиштепа деб аталувчи қадимги шаҳар қолдиқлари мавжуд. Бу шаҳар тахминан эрамизнинг V-VI асрларида ташкил топган. Шаҳар ўрда, шаҳристон ва кенг работдан иборат. Шаҳристон 24 га майдонни эгаллаган ва девор ҳамда ҳандақ билан ўралган. Унинг деворлари VII-VIII асрларга оид бўлиб, IX-X асрларда мустаҳкамланган ҳамда VII-VIII асрларда кенгая



бошлайди, IX-X асрларда эса кенгайиб катта шаҳарга айланади. XII асрда Ўрта Осиёга сафар қилган Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Сомонийнинг "Китаб-ал-ансоб" асарида номи тилга олинган Хушминжакас ёки Хушминчкат шахри, Ш Камолиддинов фикрича, худди шу Кишиштепа бўлиши мумкин. XIII асрда мўғуллар босқинидан сўнг шаҳар инқирозга юз тутди ва аста-секин ҳозирги Чироқчи шахри худудига кўчади.

Тарихдан маълумки Бухоро амирлиги 27 бекликтан иборат бўлган. Бухоро амири томонидан тайин этилган амалдорлар бекликни идора этишган. XIX асрга келиб эса Бухоро амирлиги худуди ҳисобланган Қашқадарё воҳасида шаҳарлар сони кўпаяди. Чироқчи беклигининг маркази бўлган Чироқчи ва Косон каби кичик шаҳарлар шулар жумласига киради. Шу даврдан бошлаб Чироқчи беклиги ҳозирги туман худудига яқин худудни эгаллаб, Бухоро амирлигининг йирик бекликларидан бири сифатида шаклланиб келган.

Чироқчи – Чироқчи беклигининг асосий шахри бўлган. Шаҳарнинг қачон вужудга келганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. XVIII асрнинг ўргаталарига доир манбаларда Чироқчи қалъаси борлиги ҳақида маълумот берилган. Академик В.В.Бартолд ўз асарида Китоб ва Чироқчи қалъаси ҳақида эслатиб ўтиб, "Чироқчи қалъаси ундан ҳам аввалроқ, Убайдуллохон даврида ҳам мавжуд бўлган" деб, маълумот беради.

Кеш вилоятида ўз қардошлари билан бўлган сиёсий курашда нуфузини бой берган Худоёрбий манғит Шахрисабзни ташлаб кетишга мажбур бўлади ва Чироқчи қалъасига ўрнашиб олади. Воеа тахминан 1712-1714 йиллар атрофида рўй беради. Шу тариқа Кеш вилоятидан алоҳида маъмурий бошқарув тизимиға эга бўлган яна бир янги вилоят ажralиб чиқади. Кейинчалик у тарихда Чироқчи вилояти (беклиги) номи билан машҳур бўлди.

Чироқчи қалъасига тўғрисидаги маълумотлар махаллий манбалар хусусан, "Убайдулланома" асарида ҳам тилга олинади. Аштархонийлар даврида йирик мудофаа қўргони сифатида фаолият кўрсатган Чироқчи маскани манғитлар даврига келиб Чироқчи беклигининг марказига айланади ва шаҳар сифатида муҳим аҳамият касб этади. Чироқчи икки қисм — ўрда ва қўргондан иборат бўлган. Ҳозирги кунда Чироқчи шахрининг шимолида жойлашган ўрда харобалари Чироқчитеңа деб аталади.

XIX асрда Чироқчидан йирик бозор, савдо дўконлари ва бир нечта карвонсаройлар фаолият кўрсатган. Кеш-Бухоро савдо йўлининг бандаргоҳларидан бири бўлган. Кешдан йўлга чиққан карвон Чироқчи, Қорабоғ, Чим, Қарши, Косон, Майманоқ, Қоровулбозор, Когон бандаргоҳларида дам олиб, ҳордиқ чиқариб Бухорога етиб борган. Балх - Самарқанд савдо йўлида ҳам Чироқчи тўхташ жой бўлган. Бу даврда Чироқчи Жомдан Гузоргача бўлган даштлардаги қишлоқлар учун йирик савдо маркази бўлиб, бошқа шаҳарларидағи каби хафтада 2 марта бозор куни ҳисобланган. То XX аср бошларигача Чироқчидан рус моллари сотилмаган.

Чироқчи Бухоронинг катта бекликларидан эди. Чироқчи шахри эса амирликнинг муҳим шаҳарларидан бири бўлган. Чироқчи атрофидаги йирик шаҳарлар Қарши ва Шахрисабзга қарамасдан тўғридан тўғри Бухоро амирига бўйсунган. Бу шаҳарда шаҳзодалардан бири беклик қилган.

Шахрисабз орқали ўтувчи карвон йўли тоғли ва ўтиш қийин бўлганлиги учун Чироқчидан ўтувчи йўл (Жом орқали) Самарқанд ва Қаршини боғловчи энг қулай йўл бўлган. Бу ердан ҳатто Афғонистон ва Ҳиндистондан келаётган карвонлар ҳам ўтишган. 1820 йилда Бухоро амирлигига сафари чоғида, тарихчи ва саёҳатчи Мейендорфф Чироқчи ва Ғузорни ўзининг 1820 йилда нашр қилинган Оренбургдан Бухорога саёҳат асарида "каттагина шаҳарлар" сирасига киритади.

XIX асрда Чироқчи ҳимоя девори билан ўралган кичик истеҳком бўлган. Бу ҳақда можористонлик (асли яхудий) машҳур саёҳатчи ва тарихчи Ҳерман Вамбери ўзининг "Ўрта Осиёга саёҳат" асарида келтириб ўтган. Унинг маълумотларига кўра, Бухоро амири Музаффар ад-Дин (ёки Музаффаридин) бош кўтарган шахрисабзликларни бостиришга келганда Чироқчидан турган. 1873 йилда Бухорога сафар қилган АҚШнинг Москвадаги консули Южин Шуйлир Чироқчидан бир кун қолади. Унинг гувоҳлик беришича, Чироқчи ўша пайтларда аксар қисми харобага айланган кичик шаҳар бўлган. Бу даврда Чироқчи беклиги худуди Шахрисабзниң Тезоб-Қанд қишлоғича ёйилган.

1880 йилдан 1886 йилгача Чироқчи беклигини Музаффар ад-Диннинг олтинчи ўғли ва бўлғуси Бухоро амири Абдулаҳаднинг укаси, Сайид Олимхоннинг амакиси Сайид Мир Абдуссамад бошқарган. Нокамтарона хулқи ва исрофгарчилиги учун отаси томонидан



Чироқчи қозисининг тўлиқ назорати остига олинган. 1882 йилда Чироқчига бўлган В.Крестовскийнинг тавсифлашича, Сайид Мир Абдуссамад “ўзининг кичик укаси Сайид Мир Мансурга жуда ўхшайдиган, соқол-мўйлабсиз, 20 ёшлар чамасидаги, ориқдан келган ёш йигит” бўлган. Унинг яна гувоҳлик беришича, “амир (Музаффар ад-Дин) бу ўғлини чўрткесарлиги учун унчалик ёқтиргмаган, ҳатто Шахрисабзга келса ҳам, уни кўриш учун Чироқчига кириб ўтмаган”. Мир Абдуссамадни акаси амир Абдул Аҳад ҳам хуш кўрмаган. 1886 йил 4 сентабр тунида, Чироқчи беги ҳисбса олинади ва Бухорога жўнатилади. Умрининг қолган қисмини, бек Бухоронинг Хўжа Фофур маҳалласида “уй қамоғида” ўтказади”.

Крестовскийнинг фикрларини ўша йилда Чироқчидан бўлган инглиз саёҳатчиси Хенри Лансделл ҳам тасдиқлади. Унинг “Рус Ўрта Осиёси” номли қундалигида Чироқчи беги хузурида бўлганлигини тасвирлаб, Чироқчидан қайтишда унда у ўз гуруҳи билан Қаршига қараб йўл олганлиги, Қарши бу ердан 47 мил масофада бўлиб, йўл Чироқчидан 1300 фут баландликдан Қаршига келиб 800 фут баландликкача тушувчи Қашқадарё водийси бўйлаб кетган бўлиб, Чироқчидан Қоратикангача водий бироз қисқариши, лекин ҳамма жойда сув, озиқ-овқат, ва ёнилғи топиш мумкинлиги ҳақида қимматли маълумот бериб ўтади.

1883 йилда Бухоро амирлигига саёҳат қилган ҳарбий капитан Архипов, Чироқчини ҳам кузатади. Унинг кузатишича, Чироқчи шаҳрида ўша пайтда 500 атрофида оила истиқомат қилган, шаҳар деворлари деярли харобага ҳолига тушган. Ичимлик суви, ем-хашиб ва ёқилғи мўл-кўл бўлган. Қашқадарё серсувлиги дехқончилик учун қулай шароит яратган. Ҳатто, экин пайти, Қарши ва Самарқанддан ҳам келиб ишлашган. Чироқчи беклигидан олинадиган хирож (хосилнинг бешдан бир қисми) 100.000 танга, ёки 25,000 рус рублига тенг бўлган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, шуни таъкидлаш лозимки Бухоро амирлигининг асосий маъмурий ҳудудларидан ҳисобланмиш Чироқчи беклиги аввало, йирик ахоли маскани сифатида ҳамда муҳим стратегик, савдо ва мудофаа қўрғонига эга бўлган шунингдек доимо сиёсий воқеалар марказида бўлиб турган.

Адабиётлар

1. Равшанов. П. Соҳибқирон туғилган жой ёхуд Занжирсарой қиссаси “Ёзувчи”, 1992. Б-131
2. Тенищев. Э. У тюркских народов Китая: (Дневники 1956-1958 гг.). «Наследие», 1995. С-114.
3. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси Т., 2010. Б-306.
4. Камолиддинов, Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-XIII - начала вв. Ташкент, 1996 . С-36
5. Муҳаммад Али Болжувоний. Тарихи Нофей. Т.: «Академия». 2001, б-27.
6. Бартольд В.В. «К истории орошения Туркестана», М.:1965 г. С-129.
7. Жуманазар Абдусаттор. Яккабоғ: Соҳибқирон камол топган юрт. Тошкент: Академнашри, 2018 й. Б-19.
8. ЎзРМДА. 1-жамғарма, 34-йигма жилд, 172-иш. Б-121.
9. Soviet Literature. «Союз писателей СССР», International Union of Revolutionary Writers. Р- 136
10. Мейендорф Е.К Путешествие из Оренбурга в Бухару 1826 г. С-162.
11. Schuler, Eugene. Turkistan: Notes of a Journey in Khokand, Bukhara, and Kuldja. 1877 у. Р-56
12. Western Turkestan: An Account of the Statistics, Topography, and Tribes of the Russian Territory and Independent Native States in Western Turkestan. 1882. у Р-191
13. Айни, Садриддин. Воспоминания. «Издательство Академии Наук СССР», Москва, Ленинград, 1960. С-757-767
14. Lansdell, Henry. Russian Central Asia: including Khuldja, Bokhara, Khiva, and Merv. London, 1885. 40-43 betlar
15. Сборникъ географическихъ, топографическихъ и статистическихъ материаловъ по Азіи. Выпускъ X. С.-Петербургъ, 1884 стр. 175-176



ГАТ ДАСТУРЛАРИНИНИ ҚУЛАЙЛИГИ ВА АРХЕОЛОГИЯ ОЛАМИГА КИРИБ КЕЛИШИ

Муминов Орифхўжа Одилович,
“ЎзФА Миллий Археология Маркази”
Кичик илмий ходими
Телефон: +998945330601
Muminov86@bk.ru

Аннотация: Ушбу тезис археология тадқиқотларда замонавий технологиялардан фойдаланиш ва унинг авзалликлари тўғрисида қисқача маълумотлар келтирилган. Географик ахборот тизим (ГАТ) замонавий фан бўлиб у маълумотларни йифади, йўналтиради ва тахлил қиласди. Асосини география ташкил қиласди. ГАТ кўп турдаги маълумотларни ўзида жамлайди. У фазовий худудларни тахлил қиласди, қатламлар устида хариталар тузади ва 3D кўринишда саҳналар яратади. Диярли ҳар бир соҳада юз минглаб ташкилотлар бутун дунё бўйлаб алоқа қилиш, тахлил қилиш, маълумот алмашиш ва мураккааб муаммолаларни ҳал қилувчи хариталарни яратиш учун ГАТдан фойдаланилмоқдалар. Географик ахборот тизим дунёнинг ишлаш услубини ўзгартириди десак адашмаган бўламиз.

Калит сўзлар: ГАТ, SAPR, ESRI, 3D, Геокосмик дастур, GPS.

Геокосмик дастур: Космик маълумотларни кўрсатиш, бошқариш, тахлил қилиш учун кўлланиладиган дастурий таъминот тушунилади ва геокосмик маълумотларни ишлаб чиқаради. Ушбу атама одатда дастурий таъминот учун таснифланади, геокосмик маълумотлар устида дастурлар орқали иш олиб бориш, умумий ном билан ГАТ (географик ахборот тизимлар) деб номланади. SAPR дастури компьютер маълумотларини лойихалаш учун мўлжалланган

SAPR, масофадан зондлаш ёки фотограмметрик дастурлар каби географик маълумотга эга бўлган маълумотлар билан ишлаш ва ишлаб чиқаришдир.


SAPR дастурий таъминот дизайнни:

- Икки ўлчовли (2D) ва уч ўлчовли (3D) кўринишлар ўртасида алмашиниш.
- Яқин ва узоқ кўринишга яқинлаштириш ва ташқарига чиқариш.
- Турли нуқтаи назарлардан уларни кузатиш учун расмларни мослаштириш.
- Тасвирлар кўламини ўзгартириш: Бир қиймат ўзгарганда, тегишли қийматлар автоматик равища ўрнатилади.
- Тасвирлар шаклига ўтиш: Расмнинг бир қисмини ўзгартириши, автоматик равища бутун расмни ўзгартиради.

Ушбу геокосмик маълумотлар ГАТга бағишланган, аммо маълумотномалар биргаликда ишлаши мумкин бўлган бошқа геокосмик дастурлар учун ҳам амалга оширилади ёки ГАТни тўлдиради. Ҳозирги кунда ГАТ жуда кўп тадқиқотларда кенг кўлланилмоқда. Сўнгги 20 йил ичida ГАТ археологияда тобора мухим аҳамият касб этмоқда. ГАТ дастурлари орқали кўп қаватли ва кўп қиррали фазовий кадрлар устида ишлаш имкониятлари археология тадқиқотларда қулайликлар келтирибгина қолмай кенг қамровли фазовий маълумотларига ишлов бериш учун ҳам жуда қулай восита бўлиб хизмат қиласди. Тарихга назар солсак биринчи бор ГАТ дастурий таъминоти 60-йилларда ишлаб чиқилган бўлиб улар тартибсизликларни ҳал қилиш ва асосий функцияларнинг деталлари умумий қиёфасини ифодаловчи кўринишларни ажратиб олиш билан чекланган эди, 70-йилларга келиб ГАТ дастурлари бироз такомиллаштирилди шунингдек тажриба синовларида муваффақиятли амалга ошиши сабабли, биринчи тадқиқод дастурий таъминотига айлантирилди. Бу тадқиқод дастурларини атроф-муҳитни тадқиқ қилиш иниститути (ESRI) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги қунгача хусусий дастурий таъминот сотувчиси ҳисобланади. Археология соҳасида тадқиқотлар учун ГАТнинг биринчи дастурий кўлланмалари кейинчалик Янги География асосида АҚШ дастурчилари томонидан ишлаб чиқарилган. Тадқиқодларида янгича позитив ёндошуви ГАТ учун асос ҳисобланади, чунки ёдгорликларни ҳудудий чегаралаш, уларнинг қазиш нуқталарини аниқлаш, таркибий қисимларни ажратиш каби оператсиялар амалга оширишда, бу ГАТ учун оддий ва содда оператсия ҳисобланади; шунинг учун 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида бутун жохон бўйлаб кенг кўлланилиб бошлайди.

Ушбу биринчи ГАТ дастурлар вектор (математик) ёки растр маълумотлари билан ишлашга қаратилган эди, аммо ҳозирги вақтда, ГАТ дастурий таъминотининг энг кўп тўпламлари, одатда, дастурий таъминотнинг бошқа турларига тегишли бўлган, кўпайиб бораётган функцияларни ўз ичига олган. Ҳозирги вақтда ГАТ-дан SAPR сифатида фойдаланиш кенг тарқалган 3D-реконструкция ва масофадан муҳитни ривожлантириш, рақамли тасвирни таҳлил қилиш ва масофадан туриб зондлаш, маълумотлар базасини бошқариш оммолашиб бормоқда. Ер юзидағи позитсиямизни аниқлашнинг турли усуслари мавжуд: учбурчак усулини кўллаш, самовий жисмларнинг позитсияларини баландлигини ўлчаш, маълум нукталардан масофани ўлчаш ва бошқалар. Ҳозирги кунда инсон фаолияти барча жовҳаларида, жумладан, археология соҳасида кенг тарқалган бўлиб, GPS глобал йўлдош жойлаштириш курилмалари - GPS ёрдамида жуғрофик координаталарни аниқлаш усулини олди.

Хулоса қилиб айтиш мумкунки археологик татқиқотларда ГАТ дастурларини кўллаш, тадқиқотчи учун қулийликлар ва имкониятлар беради. Ёдгорликга ажратилган маблағ, ишчи кучи ва айниқса вақтни тежаб қолади. Ундан ташқари ГАТ дастурлари орқали ёдгорликларни туризм вакилларигага кенгроқ ва аникроқ тушунишини тамилайди.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Коновалова Н.В., Капралов Е.Г. Введение В ГАТ: учебное пособие. М: ГАТ-Ассоциация, 1997.
2. Коробова Д.С. “Основы геоинформатика в археологии” Московского университета 2011.
3. Акашева А.А. Пространственный анализ данных в исторических науках.применение геоинформационных технологий. –Нижний Новгород. 2011
4. Лайкин В.И. Упоров Г.А. Geoinformatika – комсомолск-на-Амуре: Издательство АмГПГУ, 2010
5. www.esri.com/data/online/index.html.
6. www.Geographynetwork.com



КАТАКОМБА ҚАБРЛАРИНИНГ ЎРТА ОСИЁДА ТАРҶАЛИШИГА ДОИР

Муродалиев Раҳмонали Ҳайдарали ўғли,
ЎзР ФА Миллий археология маркази таянч докторанти
Телефон: +998901612169
rakhmonmurod@mail.ru

Аннотация: Тезисда Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган қабр тури – катакомбалар ва уларнинг ёйилиши масаласи очиб берилган. Бу турдаги қабрлар эгаларининг қадимги миграциялар, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, этник мансублиги масалалари бўйича кисқа хуласалар берилган.

Калит сўзлар: Катакомба, қабр, дромос, миграция, “Кенқўл” типи.

Ўрта Осиё ҳудудида қадимги қабрларни ўрганиш юз йилдан ошикроқ вақт давомида шаклланди. Умуман, ўтган давр мобайнида моддий маданиятимиз тарихининг ажралмас бўллаги сифатида археологик тадқиқотларнинг муҳим объектларидан бўлмиш қабрларни ўрганиш борасида улкан тажриба тўпланди.

Қадимги қабрлар тузилиши, кўмилиш услуби, ер устида тикланган қўргони ва бошқа белгилариға қараб, турлича номланган. Оддий чукур ўра ва ёрма қабрлар, айвонли (подбой) қабрлар, катакомба (дромос – кириш ўйлаги ва маҳсус камерали) қабрлар, даҳма-ноуслар, сафана (склеп)лар ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўрта Осиё ҳудудида майитлар турли даврларда юқоридаги кўмиш усуллари асосида дағн қилинган. Бу қабрлар жойлашув ҳудуди ва ландшафттига кўра, ўтрок ёки кўчманчи ҳалқларга тегишли эканлиги таъкидлаб келинган.

Бу борада узоқ вақт давомида тадқиқот олиб борган Ю.А. Заднепровский, Ўрта Осиёдаги антик даврдаги қабр иншоотларини куйидагича таснифлаган:

- а) Кенқўл гурухи. Бундай қабрларнинг лаҳади дромосга перпендикуляр жойлашган бўлиб, “Т” шаклидаги қабрлар ҳам дейилади.
- б) Лавандоқ гурухи. Бу гуруҳда қабр лаҳади дромоснинг давом этишида жойлашган (Дромос шимол-жануб ўйналишида бўлиб, қабр камераси унинг давоми саналади).

в) Тулхар гурухи. Бундай қабрларда лаҳадга кириш эшиги одатда ғарбий деворда бўлиши. Булар айвонли қабрлар (подбой) саналади.

г) Айғиржол гурухи. Бу гуруҳдаги қабрларда лаҳаднинг шимолий ёки жанубий деворда бўлиши. Катакомбаларга ўхшаш, нисбатан саёзроқ қазилган айвонли қабрлар (подбойлар).

д) Чилпек гурухи. Гуруҳда ўра қабрлар ва ер усти тош иншоотлари – қурум ва муғхоналар ўрин олган [1].

Н.Г. Горбунова эса факат Фарғона водийсидаги қабр иншоотларини ландшафт зоналарига қараб 5 та гурухга ажратган. Унга кўра:

- биринчи гурух, водийнинг тоғолди минтақаларида мурдани қабр қазимай ер устига кўйиб, жасад устига тош терилган, тош иншоотлари (қурум ва муғхона) шаклида;
- иккинчи гурух, водийнинг чегара туманлари шимол ва энг ғарбий худудларида – Кенқўл типидаги катакомба қабрлар;
- учинчи гурух, жануби-шарқий томонидаги текис қир-адир мавзеларда – Хонқиз типидаги катакомба, ёрма ва ўра қабрлар;
- тўртинчи гурухи жануби-ғарбий туманларда хар хил кўринишдаги ёрма қабрлар, Хонқиз ва Кенқўл типидаги катакомба қабрлар ва ёғоч билан ёпилган чукур ўра қабрлар;
- бешинчи гурух эса водийни жануб томонидаги тоғ олди районларида учрайдиган хар хил ўйналишда қазилган ўра қабрлар [2].

Илк марта археолог С.С. Сорокин Ўрта Осиёдаги қабрларни ландшафт зоналарига бўлиб худудий таснифлаш ва ўрганишни таклиф қилган [3]. Дағн иншоотларини бу тарзда гурухларга ажратиш уларни таснифлашда анча енгиллик бериб, тасаввурни кенгайтиради. Бироқ қабр тузилишлари Ўрта Осиёнинг турли худудларида ягона қонуниятга эга бўлмай, ўзига хос кўринишларга эга.

Ушбу мақоламизда Ўрта Осиёдаги антик давр катакомба қабрлари хусусиятини худудлар кесимида қиёсий таҳлил қилган ҳолда ёритишга ҳаракат қиласиз.

Бундай қабрлар минтақанинг Фарғона, Тошкент, Жанубий Туркманистон, Бухоро, Самарқанд, Уструшона, Жанубий Қозоғистон ва Талос водийларида очиб ўрганилган.



Ўрта Осиёда ўрганилган катакомба қабрларнинг бошқа минтақалардан фарқи катакомба қабрларни дромосга нисбатан жойлашишида кўринади. Бунда қабр камераси ўзининг асоси билан дромосга перпендикуляр жойлашган. Бироқ, Лавандоқ типидаги катакомба қабрлар камераси дромос давоми сифатида қазилган [4] бўлиб, Сўғд худуди, Хоразм, Жанубий Туркманистон, кам миқдорда Фарғона, Тошкент ва Талос худудларида учрайди.

Катакомба қабрлар Фарғона водийсидаги антик давр мозор-қўрғонларининг катта қисмини ташкил этиб, уларни ўрганишда биринчи навбатда лаҳаднинг дромосга нисбатан ҳолати, узунлиги, йўналиши ва лаҳадни қайси томонда бўлишига эътибор қаратилган. Иккинчидан, дромосдан лаҳадга ўтиш йўлагини ўлчами, зинали (ёки зинасиз, қия) ҳолатда бўлиши, дромосдан лаҳадга ўтиш йўлининг беркитилиши (тупроқ, гувала, тош, қамиш, фишт ва ҳ.к.) қандай кўринишда эканлигига қараб таснифланган [5]. Н.Г. Горбунова, юкоридаги хусусиятларга қараб, катакомба қабрларнинг 12 дан ортиқ турини ажратган [6].

Дромоси жанубдан шимолга қараб қазилган ва унга перпендикуляр тарзда шарқ-ғарб йўналишида лаҳади бўлган қабрлар Фарғона водийсидаги антик ва илк ўрта асрларнинг бошланғич даврига мансуб мозор-қўрғонларда кузатилади. Б.А.Литвинскийнинг фикрича, Фарғона водийсидаги катакомба қабрларда “айвоннинг эни лаҳад узунлигидан уч баробар (мос равищда 0,95 ва 2, 97 м) тор. Бундай катакомба қабрлар одатда “Т” ҳарфи кўринишида бўлади” [7]. Бундай қабрлар “Кенқўл” типидаги қабрлар саналади. Олим Фарғона водийсининг жануби-ғарбий қисмидаги мозор-қўрғонларни тадқиқини якуни сифатида “Ворух-Қорабулоқ маданияти” тушунчасини таклиф қилган. Ушбу давр ёдгорликларини Н.Г.Горбунова фақат мозор-қўрғонларгина эмас, манзилгоҳлар ҳам кўпчиликни ташкил этишини инобатга олиб “Қўйой-Қорабулоқ маданияти” сифатида бирлаштиришни тавсия қилган [8]. Бунда, кўчманчи чорвадор ва ўтрок дехқон маданиятини параллел равища ўрганиш аҳамиятли деган фикр илгари сурилган.

Фарғона водийсидаги Куғой-Қорабулоқ маданиятига оид мозор-қўрғонларда ҳамда Тошкент вилоятидаги Вревский станцияси яқинидаги мозор-қўрғон [9] дромоси жанубдан шимолга қараб қазилган ва шарқ-ғарб йўналишида перпендикуляр камераси бўлган қабрлар кузатилган. Ҳар иккаласида ҳам дромос лаҳадга томон қиялаб, пасайиб келиб туташган [10].

Археолог Ф.Тошбоев Уструшонанинг катакомбали қабрларда дромоснинг анча тор бўлишини қайд этади ва уни Кенқўл типига таалуқли эканини айтади. У Уструшонадаги бундай қабр иншоотларини икки турга ажратади. Биринчиси, ғарбдан келувчи дромос перпендикуляр тарзда шимол-жануб йўналишида жойлашган қабр камерасига келиб туташдиган Сафоноқ ва Ғулбо мозор-қўрғонларидаги қабрлар. Иккинчи тури, дромоснинг жанубдан шимолга қазилиб, шарқ-ғарб йўналишида қабр камерасига перпендикуляр тарзда ишланган. Улар Жиззах яқинидаги Учтепа ва Ғулбо мозор-қўрғонларида қайд этилган [11].

Б.А. Литвинскийнинг ёзишича, “Ворух мозор-қўрғонларидаги кўплаб катакомба қабрларда дромос катта эмас, уларнинг узунлиги кўпинча 1,5-3,0 м, баъзан 4,0 м гача боради. Бундай қабрларда дромос лаҳадга перпендикуляр бўлиб, Кенқўл типига ўхшаб кўндаланг ҳолатда ён томонидан симметрик равища келиб туташган бўлади” [12].

Ю.А.Заднепровский ўзининг тадқиқотларида Фарғона катакомба ва айвонли лаҳад қабрларининг келиб чиқиши масаласига тўхталиб “менимча уларнинг келиб чиқишига ёндашишида маҳаллий илдизларни ғарбий (сармат) ва шарқий (хун) таъсирлардан фарқлаш керак... мил. авв. III-II асрларда Фарғона водийсида олдинги вақтларда кузатилмайдиган қабр иншоотлари – катакомба қабрлар пайдо бўлади. Археологик ва антропологик материаллар катакомба ва ёрма қабрларнинг маҳаллий илдизларга эга, деган фикрга қарши ўлароқ, уларни ташқаридан кириб келганлиги ҳақида маълумот бермоқда”, деб катакомба қабрларнинг юэчжилар билан боғлиқлигини таъкидлайди [13]. Лекин, кейинроқ бронза даврига оид Кўчкорчи мозор-қўрғонларининг очилиши водийда антик даврдан олдироқ катакомба қабрлар бўлмаган деган фикрни рад этди [14].

Сўғд мозор-қўрғонларининг вужудга келишини таҳлил қилган О.В. Обельченко, уларни Оролбўйи, Куйи Сирдарё ва Қизилкум орқали Суғдга томон силжиган сарматлар билан боғлайди. Лекин, бу силжишлар асосан табиий жараёнлар, сув ресурсларининг йўқолиши билан боғланади. Айтиш мумкинки, эрадан олдинги I минг йилликнинг сўнгги асрларидаги миграция жараёнлари табиий факторлар оқибатида эканлиги кўп маротаба тадқиқчилар томонидан кузатилган. Эранинг бошларидағи нафақат Зарафшон қуйи қисмига, балки бутун Сирдарё ва Амударё оралиғидаги ҳудудларга чорвадорларнинг Қуйи Сирдарё орқали кириб



келиши ҳам Сирдарёning ўзанини шимол томонга ўзгартириши ва эски ўзаннинг қуриши билан боғланади [15]. Кўшимча сифатида айтиш жоизки, кулай сиёсий вазият сабабли, яъни, Қанғ давлатининг заифлашуви, эрамизнинг III аср охири – IV асрларида Евроосиё дашт худудларидан кўчманчи хунн қабилаларининг кириб келишига замин яратган.

Хуллас, Ўрта Осиёдаги мозор-қўрғонлар қабр тузилишидаги ўзгаришлар ҳудудга антик даврда янги (сармат, юечжи, хун, усун каби) этник гурухлар ва улар билан янгича қабр тузилишлари ҳамда дафн одатларининг кириб келганлигини кўрсатади. Бу эса катакомба қабрларнинг кенг оммалашшига сабаб бўлган. Бизнингча, бу кўринишдаги қабрларнинг кенг ёйилишига ўша давр кишиларининг нариги дунё ҳақидаги тасаввурлари ва диний тушунчаларининг кенгайиб бориши ҳам сабаб бўлган. Уларнинг тасаввурicha, мархумни ҳурматлаб, нариги дунёда кузатиш ва унинг "ўликлар дунёси"да яхши яшаши учун керакли қулайликлар яратилиши керак эди. Бунда мархум ёнига қўйилаётган озиқ-овқат ва буюмлар қабрнинг лаҳад кисмига бемалол жойлашар ва ўтказилаётган маросимлар ҳам тўлиқ адо этилар эди. Ўрта Осиёда шу пайтгача кам учрайдиган катакомба қабрларнинг антик даврда кенг ёйилиши эса, биринчидан миграция жараёнлари билан боғлиқ мураккаб ижтимоий-сиёсий ва этник жараёнлар натижаси бўлса, иккинчидан кўчманчи ва ўтрок ҳалқларни бирлаштира олган Қанғ давлати сиёсий фаоллиги билан боғлиқ.

Ҳаволалар

1. Заднепровский Ю. А. К истории кочевников Средней Азии Кушанского периода // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. – М., 1975. Т.2, – С. 293-296
2. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины 1 тысячелетия н.э. // АСГЭ. –Л.: 1981. -№ 22. – С.94
3. Сорокин С.С. Среднеазиатские подбойные и катакомбные захоронения как памятники местной культуры // СА. № 26. – М.: 1956. – С. 83
4. Обельченко О.В. Лявандакский могильник. // ИМКУ. Вып. 2. Ташкент, 1961. – С. 99-100
5. Горбунова Н.Г. О типах Ферганских погребальных памятников первой половины 1 тысячелетия н.э. // АСГЭ. –Л.: 1981. -№ 22. – С.87
6. Тошбоев Ф.Э. Жиззах воҳаси чорвадорлари катакомба қабрларининг таснифига доир айrim мулоҳазалар // Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврдан ҳозирги кунгача). –Жиззах. 2020. – Б. 27.
7. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. (Раскопки погребальный обряд в свете этнографии). Москва, 1972. – С.59
8. Горбунова Н. Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. Вып. 25. Ленинград, 1984. – С.102
9. Агзамходжаев Т. Раскопки погребальных курганов близ станции Вревской // ИМКУ – Ташкент: 1961, -№ 2. – С. 223
10. Горбунова Н. Г. Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. Вып. 25. Ленинград, 1984. – С.102
11. Тошбоев, 2020. Б.27
12. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. (Раскопки погребальный обряд в свете этнографии). Москва, 1972. – С.58
13. Заднепровский Ю. А. К истокам кочевников Средней Азии Кушанского периода // СА. – М.: 1956. – С. 98
14. Иванов Г.П. Кашкарчинский могильник - новый памятник эпохи бронзы в Фергане // ОНУ - 1988 - №10.
15. Левина Л.М., Галиева З.С. Культурный ландшафт юго-западный части джетыасарского урочища // Низовья Сырдарьи в древности: Джетыасарская культура. Ч.2. – М. 1993. – С.11



СҮХ ҲАВЗАСИННИНГ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

Пардаев Мухридиннинг Хусниддиновиҷ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Миллий археология маркази 1-босқич таянч докторантни
Телефон: +998(99) 4074158
e-mail: mrreusmuxriddin@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақола Сўх ҳавзасининг археологик ўрганилиши ва у билан боғлик муаммоларга бағишланган. Ҳудуднинг тарихи археологларни доимо қизиқтириб келган. Воҳанинг моддий маданиятига оид дастлабки археологик изланишлар XIX асрнинг охиридан амалга оширила бошланди ва ҳозирги кунгача ҳам давом этмоқда. 1950-1990 йилларда ҳудудда, унга ёндош воҳа ва тоғолди минтақаларида турли даврларга оид маконлар топиб ўрганилди. Натижада, Сўх ҳавзаси инсоният маданиятининг илк босқичлари шаклланган минтақалар рўйхатидан жой олди. Бироқ, дунё олимлари ўртасида ҳудуднинг ёдгорликлари ёши, уларда топилган антропологик топилмалар ва уларнинг маданий талқини борасида турли хил фикр-мулоҳазалар ҳали тинганий ўйқ.

Калит сўзлар: Сўх ҳавзаси, Хайдаркон, Чашма, Селунгур, қоятош суратлар, Сарикурон 1, Обишир 1-5, Каспидантепа.

Фарғона водийси жумладан, унинг жанубий қисмида жойлашган Сўх дарёси ҳавзасининг ўрганила бошланганлигига қарийб бир асрдан зиёдроқ вақт ўтди. Ҳавзада олиб борилган тадқиқотлар натижасида палеолит давридан тортиб то сўнгги ўрта асрларгача бўлган даврдаги кўплаб ёдгорликлар аниқланди, бу инсониятнинг ушбу ҳудудда қадим даврлардан бери интенсив тарзда ҳаёт кечириб келаётганлигини англатади. Ҳудуднинг иқлими ва ландшафтидаги қулайликлар қадимдан инсонларини ўзига жалб қилиб келган. Тош даврининг илк босқичларида инсонлар воҳадаги тоғ унгурулари ва ғорларини макон қилган бўлсалар, сўнгги босқичида эса дарё ҳавзаси атрофларини ҳам эгаллай бошлайдилар.

Айтиш жоизки, мазкур ҳудуд археологиясини ўрганиш орқали Евроосиёдаги кўшни ҳудудлар қадимги маданиятлари генезисни ҳамда континентнинг инсоният томонидан ўзлаштирилиши жараёнлари муаммоларини ҳал қилиш мумкин.

Сўх дарёси ҳавзанинг археологик ўрганиш ишлари XIX асрнинг охирларида бошланган. Уни шартли равишда 4 та йирик босқичга бўлишимиз мумкин:

Биринчи босқич. Бу босқичда олиб борилган тадқиқот ва изланишлар асосан ўзининг тавсифий характерда бўлганлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. XIX аср охирида рус табиатшунос олимлари (А.П.Федченко, Н.А.Северцов, А.Ф.Миддендорф) бутун водий бўйлаб тақиқотлар олиб борадилар. 1878 йилда А.Ф. Миддендорф Сариқўрғон ёдгорлиги ҳақида маълумот бериб ўтади.

1890-йилда Тул қишлоғи яқинидаги Муғтепа мавзесидан маҳаллий аҳоли томонидан “икки бошли чипор илон” кўринишидаги қадоқтош аниқланган. 1894-йилда қадоқтоштош Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги музейига топширилади. М.Э.Воронец 1956 йилги мақоласида бу топилмани бронза даврига оид деб белгилайди. Кейинчалик бу даврлаштириш америкалик Ф. Колем томонидан ҳам тасдиқланади [1].

1912-йилда геолог олим Н. Вебер ҳозирги Сўх тумани Тул қишлоғи яқинида, дарё соҳилидан тош плиталарга ўйиб ишланган суратларни топади. Маҳаллий аҳоли билан олиб борилган этнографик тадқиқотлар натижасида мазкур макон қадимдан Сурати (Суратикух, Суратисанг, Суратисой) дея аталиб келинганлиги аён бўлади. Тадқиқотчилар ёдгорликни бронза даври билан даврлаштиришади.

Иккинчи босқич.

1939-йилда М.Э. Воронец бошчилигидаги Фарғона экспедицияси Сўхдан Охна қишлоғигача бўлган ҳудудда археологик қидирув ишларини ўтказади. Натижада, Сўх дарёсининг ўнг қирғоқларида Ламбур қишлоғидан 4-5 км ғарбда, Сариқамиш тоғларида Суратлисой дарасида жойлашган қоятош суратлари, ўрта асрларга оид ёдгорликлар рўйхатга олинади [2].

1939-1940 йилларда Катта Фарғона канали қурилиши муносабати билан ҳудуддаги кўплаб археологик ёдгорликларни ўрганиш мақсадида М.Е. Массон бошчилигидаги экспедиция



тузилади ва илгари маълум бўлмаган кўплаб ёдгорликлар рўйхатга олинди. Экспедиция жараёнида Сариқўрғон ёдгорлигининг тархи олинади, кесмаси чизилади. Экспедициянинг 3 отрядига бошчилик қилган Я.Г. Ғуломов Сариқўрғон ёдгорликни кўтарма материаллар асосида милоддан аввалги 2 асрлар билан даврлаштирилиб, унинг Сўхсой суғориш тизимидағи муҳим назорат пункти бўлганлиги айтади [3].

Учинчи босқич. 1950-йили Сўхдаги Бодомча Давал довонида Бор-Корбаз унгурида 3 – 4 асрларга оид қабрлар аниқланган. А.Н. Бернштам ўзининг "Хунлар тарихи очерки" асарида бу қабрларга оид маълумотлар келтириб ўтган. Ушбу қабрлар анчагина қадимги катаюмблар бўлиб, уларнинг ёши 3-4 асрларга оиддир. Сўх дафн иншоотларидан турли туман материаллар аниқланган бўлиб, бу дафн ритуалининг аниқ тасвирини кўриш имкониятини беради. Қабрлар қирғоги тупроқдан, баъзан эса тош ҳалқалар билан ўралган. Айвон лаҳад бўйида, баъзан перпендикуляр ҳолатда бўлиб барча қисмига тош плиталар ётқизилган.

1953 йилда П.Т. Конопля томонидан Баткен вилояти Қадамжай тумани Охна қишлоғи яқинидан 6 та палеолит даври маконлари аниқланади. Дисксимон кремний нуклеус тош қуроли аниқланиб А.П. Окладников томонидан мустеъ даври билан белгиланган.

Селунгур ғори 1955 йилдаги тадқиқотлар давомида аниқланган бўлиб, Хайдаркон қишлоғининг ғарбий қисмида, чуқурлиги 120м, кенглиги 34 м, водийдан 25 м баландликда жойлашган. Дастрраб А.И. Пошко томонидан кейинчалик, А.П. Окладников ва П.Т. Конопля томонидан шурф ташланган.

Ю.А. Заднепровский томонидан 1954-1958 йиллар давомида Жанубий Қирғиз отряди таркибида Баткен, Лайлакон туманлари ва унга туташ ҳудудлар, жумладан Сўх ҳавзасини хам ўрганилади (Заднепровский, 1960). Тадқиқотлар якунида ҳавзада 8 та ёдгорлик аниқланиб, улар эрамизнинг илк асрларидан то ривожланган ўрта асрларигача бўлган даврларга оид ёдгорликлар эканлиги маълум бўлади. Булар орасида Қора тўқай қабристонини алоҳида таъкидлаш мумкин, Сўхнинг ҳар икки қирғоғида қўрғонлар гуруҳи аниқланади. 1957-йилда кучли бузулган икки қўрғон очилади, шунингдек, илк ўрта асрларга оид манзилгоҳ Муғ-Гўристон ҳам белгиланади [4].

П.Т. Конопля ҳудуддаги яна бир қанча ғорларни ўлчами, сув манбасига яқинлиги ва бошқа қулаги шароитлари билан тош даври инсонлар яшаган бўлиши мумкинлиги ҳақда эслатади.

Ҳудуддаги тошга ишлов бериш техникасини ўрганиш масадида 1958 – 1959 йилларда ЎзССР Фанлар академияси Тарих ва археология институти А.П. Окладников бошчилигидан палеолит экспедициясини ташкил қиласи. Ишлар якунида 2641 тош артефактдан иборат коллекция тўпланади.

Бундан ташқари Сўх водийсига кўшни бўлган Баткен туманида катта хажмдаги археологик қазиашма ишлари олиб борилганки, бу ҳудуд тарихини ўрганишда унинг дафн маросимлари етарлича маълумот беради.

1962 йилдан бошлаб Фарғона ўлкашунослик музейи ва Санкт-Петербург Эрмитаж музейи биргаликда Фарғона археологик экспедицияси амалга ошириди. Ирригация иншоотлари (Каркидон сув омбори, Катта Андижон канали, Аччиққўл коллектори) ва вилоятнинг археологик харитасини тузиш мақсадида ташкил этилган бу экспедиция давомида 153 дан ортиқ археологик ёдгорликлар, 47 та топилма жойлар ва тасодифий топилмалар ўрни аниқланиб, вилоятнинг археологик харитаси яратилди. Шунингдек, Сўх туманида 6 та археологик ёдгорлик қайд этилади [5]. Айни вақтда Сўх ҳудуди алоҳида ирригацион ҳудуд-Сўхсойга ажратилиб археологик ёдгорликлар асосида классификация қилинади.

1964 йилдан Фарғона археологик отряди Селунгур ғори томонидан ўрганила бошланади. Ташланган шурфлар 1,1 м чуқурликда бир қанча отшеп (учринди) мавжудлигини кўрсатади. Қурол ясаш учун ишлатилган ҳомашё ғорда ҳам, атрофдаги водийда ҳам аниқланмаганлиги туфайли бошқа жойдан олиб келинган деган фикрга келиш мумкин. М.Р. Қосимов томонидан 1964 йилда ўтказилган тадқиқотларда Чўнгара қишлоғи яқинидаги Сўх дарёсининг учинчи терассасидан ўрта палеолит даврига оид 4 та ёдгорликлар аниқланган. Барча маконлардан мустеъ типидаги тош қуроллар аниқланади. (жами 31 та). Бундан ташқари, мустеъ даври материаллари Сўхсойнинг ўнг қирғоғи, Сариқўрғон қишлоғидан 2,5 км жануброкда аниқданган. Бу ердаги қайроқли тепаликлардан, 600x600м² майдондан 187 дан зиёд тош буюм йигиб олинган (53 нуклеус, 21 пластина, 104 учриндилар). Сўхсойнинг нариги соҳилидан яна бошқа бир манзилгоҳ аниқланиб, мустеъ типидаги 6 нуклеус ва учриндилар



топилган.

1966 йилда Тарих ва археология институти Фарғона палеолит гурухи томонидан Сўҳ дарёсининг ўнг ирмоғи Обиширсой яқинида қидирув олиб борилиб, Карантовнинг жанубий тизмалари, Сўҳ ва Ҳайдаркон қишлоқлари ўртасида ибтидоий одамлар хаёт фаолияти излари мавжуд бўлган 28 та фор ва тоғ унгурларини харитага олинади. 1966-1967, 1969-1971 йилларда ҳамда 1973 йилда тизимли тадқиқотлар ўтказилади. Тадқиқотлар ўтказилган объектлардан Обишир-1 ва Обишир-5 Фарғонанинг мезолит даврига оид бой материалларни беради. Обишир маданияти илмий асосланди.

Обишир-1 гори Обиширсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Топилмаларнинг аниқланган жойига қараб ибтидоий одамлар ғорнинг асосан кириш кисмини макон қилишган деган холосага келиш мумкин. 1966-67 йилларда 33 кв.м майдонда қазишма ишлари олиб борилди, ҳамда 1117 та тош буюмлар аниқланди.

1974 йилда Фарғона археологик экспедицияси томонидан Сариқўрғон ёдгорлигига қазишма ишлари олиб борилади. 1980 йилдан Ў.И. Исломов раҳбарлигига муентазаам археологик тадқиқотлар йўлга кўйилди (Исламов 1984; 1988; Исламов, Оманжулов 1984; Исламов, Зубов, Харитонов 1988; Ботиров, Ботиров 1988; Величко ва бошқалар., 1988; 1990; Исламов, Крахмаль 1990; 1992). Ў.И. Исломовнинг фикрича, ғорнинг рыхлых отложениях (бўш қатламларини) ашел даври манзарасини кўрсатади (бифаслар, кливер, лимас ва бошқалар) ва кўйи плейстоцен чегаралаги билан даврлаштириш мумкин.

Селунгур ғори яқинидаги Чашма қишлоғидан йиғилиб олинган тош буюмлар ҳам ўзига ҳос бўлиб, улар илк палеолитнинг ўрталари учун хосдир. 1987 йилда Сўҳ сув омборини қуриш муносабати билан ҳудудни ўрганиш мақсадида ЎзР ФА Археология институти ходимларида иборат гурух иш олиб боради (Матбабаев, Ботиров, Хужаназаров, 1988). Гурух археологик, петрографик ва палеозоологик тадқиқотлар олиб борадилар. Тадқиқотчилар гурухи қидирув, кузатув ишлари давомида бир қанча ёдгорликларни рўйхатга оладилар. Жумладан, Мозортепадаги замонавий қабристондан эрамизнинг дастлабги давларига оид топилмалар, X-XI асрларга оид керамика буюмлари аниқланади. Шунингдек, М. Хўжаназаров томонидан Сариқамиш тоғларидаги Суратлисой дарасида жойлашган 300 га яқин қоятош суратлари классификация қилинди ва мил. авв. I – милодий I минг йиллик билан даврлаштирилган.

Тўртинчи босқич. Мустақиллик йилларигача ўтказилган тадқиқотлар давомида, Фарғона вилояти ҳудудларидан тош даврининг барча босқичларига оид ёдгорлик ва маданиятлар аниқланган бўлиб, фақатгина сўнгги палеолит (эрамиздан аввалги 40-12 мингйиллар) даврига оид ёдгорликлар топилмаган эди. ЎзР ФА Археология институти палеолитчилар гурӯҳининг 2011 йилги тадқиқотлари давомида водийда Сарикурғон 1, Жонобод (Фарғона вилояти) ва Чодак (Наманган вилояти) каби сўнгги палеолит даврига оид ёдгорликлар ҳам топилди [6].

2011 йилнинг ёзида палеолотчилар гурухи Яйпан туманига қарашли Жонобод қишлоғида қидирув ишлари олиб бордилар. Қишлоқ яқинидаги адирликлардан манзилгоҳдан ҳайвонлар суяклари, тиҳсимон-ретушли, ўйиб кертиб ишланган куроллар ва терига ишлов берувчи кесгичлар, нуклеуслар, кесгичлар ва тош пичоқлар аниқланган. Ясалиш техникасига кўра ушбу куролларни сўнгги палеолит давриниг ilk босқичлари билан даврлаштириш мумкин.

Тадқиқотчилар гурӯҳининг навбатдаги топилмаси Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Сариқўрғон қишлоғи ҳудуди, Сўҳ дарёсининг ўнг соҳилидаги сўнгги палеолит даврига оид Сариқўрғон-1 манзилгоҳи бўлади. Манзилгоҳнинг тош буюмларининг ясалиш техникасига кўра Тошкент воҳасининг Тўдаҳотин-1-2 макони материалларига ўхшашлиги қайд этилди.

2019 йилда Фарғона вилояти археологик ёдгорликларини рўйхатта олиш ва харитасини яратиш мақсадида ЎзР ФА Археологик тадқиқотлар институти ходимлари М.М. Саидов, М.Х. Пардаев ва Сўҳ тумани 1-ИДУМ директори Ф. Жўраевлардан иборат гурух томонидан Сўҳ туманида қайта қидирув-кузатув ишлари олиб борилди. Натижада архив хужжатлари ва мақолаларда қайд қилинган 18 га яқин ёдгорлик қайтадан хатловдан ўтказилди ва тизимлаштирилди.

Қидирув кузатув ишлари натижасида Каспидан қишлоғининг шарқий қисмидаги адирликларлардан янги ёдгорлик аниқланди ва Каспидантепа номи билан рўйхатта олинди. Ёдгорликнинг баландлиги 6 м, диаметри 25м. Тепалик юзасидан олинган сопол парчалари илк ўрта асрларга оидлиги аниқланди.



Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса аён бўладики, ҳавзанинг антропоген ўзлаштирилиши тош даврининг барчабосқичларини қамраболади, ҳамда водийнинг марказий минтақаларида маданиятлар шаклланишида ҳам иштирок этади. Дастреба қайроқтошгалкали маданият вакиллари томонидан Чашма булоғи якини ўзлаширилган бўлса, кейинги босқичда ашел маданияти соҳиблари қайроқтош маданияти устига кириб келишади. Ўрта палеолит индустриясини шаклланиши ва тараққиёти, леваллуа техникасининг кейинги ривожи маҳаллий сўнгги ашел тошга ишлов бериш маданияти таъсирида ҳам рўй беради. Мезолит даврида тош қуроллар индустрияси ривожланади, микролит анъанаси кучайди.

Худудда ўтказилган қидирув кузатув ишларидан шумоълум бўлди, ёдгорликларнинг маълум бир қисми турар жойлар ва қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига бузилган ёки бутунлай йўқолган. Шунингдек, қоятош суратлари атрофида мармар қазиб олиниши ва улар юзаси янги тасвирлар билан қопланаётганлиги сабабли суратларни йўқолиб кетиш хавфи юзага келмоқда. Шу билан бир қаторда туман мактабларида ташкил этилган мактаб музейларида кузатилган антик ва ўрта асрларга оид археологик материаллар ушбу худудда ҳали рўйхатга олинмаган яна ёдгорликлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кастанье И.А. Культ змей у различных народов и следы его в Туркестане // Протоколы заседаний ТКЛА 1912-1913 годов. Ташкент, 1913, стр.17-27.;
2. Воронец М.Е. Каменное изображение змей из кишлака Сох Ферганской области // КСИИМК, №.61, 1956, стр. 48-55.;
3. Гулямов Я.Г. Отчет о работе третьего отряда археологической экспедиции на строительстве БФК // В кн.: Труды института истории и археологии АН УзССР, том 4, Ташкент, 1951, стр.85-122;
4. Ю. А. Заднепровский. Археологические памятники южных районов Ошской области, Фрунзе, 1960, с. 88-89.
5. Горбунова Н.Г. Итоги исследования археологических памятников
6. Ферганской области (к истории культуры Ферганы) // СА, №.3, 1979а, стр.16-34;
7. Анарабаев А.А., Сайфуллаев Б.К., Сайдов М.М. Археологические исследования в г. Коканде и его окрестностях. - Самарканд, 2014. - С.88.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЗЗ-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(3-қисм)

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 31.10.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000